*Орзулар ушалган кун*

# СЎХ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ файзи ўзгача

***Сўхлик Бобоҳайдар Ҳайдаровнинг азалий орзу-умидлари мустақиллик йилларига келиб ушалди, меҳнатлари истиқлол даврига келиб чинакам қадр топди, десак асло муболаға бўлмас. Ишни «Риштонгаз»да назоратчиликдан бошлаган Б.Ҳайдаров «Сўхгазтаъминот» шўъба корхонаси бошлиғигача бўлган умр йўлини босиб ўтди. Айниқса, кейинги йиллар унинг ҳаётида унутилмас из қолдирди. 1997 йилда «Шуҳрат» медали, 2001 йилда «Мустақиллик» нишони, 2002 йилда эса «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.***

Маълумки, Сўх, Фарғона вилоятининг энг чекка тумани. Бу ерда ҳозир 50 минг нафар аҳоли яшайди. Мустақиллик йилларига келиб Сўхни газлаштиришга катта эътибор қаратилди. Тез орада қирқ минг киши истиқомат қиладиган хонадонларда зангори олов ёнди. Жорий йилда туман марказидан 12 километр олисликдаги тоғли Малбуд қишлоғининг 120 хонадони газлаштирилиб, аҳоли қувончига қувонч қўшилди. Шундай қилиб, Сўхни газлаштириш тўла ниҳоясига етказилди. Бу эзгу ишга давлат бюджетидан 100 миллион сўм маблағ сарфланди.

«Сўхгазтаъминот» корхонаси истеъмолчиларга қиш мавсумида қулай ва беминнат ёқилғини ўз вақтида ва белгиланган миқдорда етказиб бермоқда. Юқори, ўрта ва паст босимлик 220 та ГРП ёз ойларидаёқ текширув ва созловдан чиқарилиб, кузги ва қишки мавсумларга тўла шай ҳолатга келтирилди. Истеъмолчилар учун қулай бўлган ва газдан тежамли фойдаланиш имконини берадиган ҳисоблагичлар ўрнатишга жадал киришилди. Шу кунгача хонадонларнинг 50 фоизига ихчам қурилмалар ўрнатилди.

Корхонада дебиторлик ва кредиторлик қарзларига бутунлай барҳам берилган. Ишловчиларнинг ўртача ойлик маоши 40 минг сўмни ташкил этаётир. Унинг ўз вақтида бериб борилиши таъминланмоқда. Ишловчилар ва уларнинг фарзандлари тўла ижтимоий ҳимояланмоқда. Ғамхўрликдан ногиронлар ва қариялар ҳам четда қолмаётир. Шу мақсадда 10 нафар уруш ногиронлари, 5 нафар кам таъминланган қариялар хонадони бепул газлаштирилди.

Корхона мавжуд 21 та қишлоқ маҳалла қўмиталари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Шу боисдан ҳар бир маҳаллада фойдаланилган газ учун пул тўловлари ўз вақтида амалга оширилмоқда. Белгиланган шартнома шартларини тўла уддалаган маҳаллаларга корхона томонидан 1 миллион сўм мукофот пули ўтказилди. Шундан 500 минг сўми кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга сарфланди.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Янги йил арафасида*



***Кўпнинг бошини қовуштириш, яшаш жойларида тартиб интизомни мустаҳкамлашда маҳалланинг аҳамияти ғоятда катта. Мухбиримиз С.АЪЗАМОВА Наманган вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Баҳодир НЕЪМАТОВ билан суҳбатлашиб, солиқчиларнинг бу муҳим ишга қўшаётган ҳиссаси хусусида ҳикоя қилиб беришни сўради.***

# МАҲАЛЛА ҚУДРАТИ

– Биз обод деганда аввало, кўркам, чиройли, шу билан бирга осойишталик, ўзаро меҳр-оқибатни тушунамиз. Шу нуқтаи назардан 2003 йилнинг Обод маҳалла йили, деб эътироф этилишида олам-олам маъно бор. Ҳар бир инсон, у ким бўлишидан қатъи назар маҳалла шароитида камолга етади. Ҳозирги шароитда ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий этишда маҳалланинг аҳамияти тобора ошиб бораётир.

Янги йил арафасида маҳаллаларимизда ҳаёт қайнайди. Кўпдан кўп тадбирлар, савобли ишлар бирбирига уланмоқда. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларга меҳр эътибор қаратилмоқда.Табиийки, савобли ишдан соҳамиз кишилари ҳам четда қолишаётгани йўқ. Шаҳар ва қишлоқларимиз, маҳалларимизнинг обод бўлиши, аҳоли турмуш фаровонлигининг янада яхшиланиши бюджетнинг асосий даромад манбаи ҳисобланган маҳаллий солиқ ҳамда йиғимлар муҳим аҳамият касб этиши боис участка давлат солиқ инспекторлари фаолиятини кучайтириш диққат марказида бўлмоқда.

Бу фидойи кишилар йил бошидаёқ ўз ҳудудидаги солиқ тўловчиларни аниқлайди, уларга тегишли хабарномалар етказади, тарғибот-ташвиқот ишларини уюшқоқлик билан олиб боради. Ходимларимиз ўз ҳудудидаги ҳар бир хонадон, ҳар бир солиқ тўловчи ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишга ҳаракат қиладилар. Мақсадга эришишда маҳалла фаоллари билан яхши ҳамкорлик ўрнатилганлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда Наманган вилоятида 163 нафар участка давлат солиқ инспектори фаолият юритмоқда. Уларнинг 144 нафари 2002 йил учун маҳаллий солиқ ва йиғимларни ундиришда алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Норин туманидаги «Норинкапа» қишлоқ фуқаролар йиғини участка давлат солиқ инспектори О.Рўзибеков, Косонсой туманидаги «Қўқимбой» қишлоғидан А.Каримов, Уйчидаги «Дўстлик» қишлоқ фуқаролар йиғинидан А.Бойматов кабилар ҳамкасбларига намуна бўлдилар. Уйчи ва Учқўрғон туманларида тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари яхши йўлга қўйилди. Мутасадди ходимларга алоҳида хоналар ажратилиб, улар керакли ўқув кўргазмалари, техник воситалари билан тўла таъминландилар. Бу аҳоли ўртасида жонли суҳбатлар ўтказиш, савол- жавобларда ғоятда асқотмоқда.

Яна шу нарса маълумки, маҳаллада ҳамма нарса фақат бугунги маҳалла тизимига, унинг фаолларию ташкилотчиларига боғлиқ эмас. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари алоҳида тушунча бериб ўтдилар. Маҳалла имкониятларини кенгайтириш учун унинг моддий негизини мустаҳкамлаш ҳақида барча бирдек бош қотириши керак.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «PRESIJAN» хусусий корхонаси бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Хориждан келтирилган замонавий технология асосида ишлаб чиқарилаётган турли-туман ширинликлар харидорларга манзур бўлмоқда. Ҳозирда бу ерда 20 турдан зиёд қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Жамоада 50 нафар ишчи хизматчи меҳнат қилиб, уларнинг унумли ишлаб ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар яратилган. Корхона келажакда ўз маҳсулотларини хорижий давлатларга экспорт қилишни режалаштирган.

**Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.**

**Ғ. ХИДИРОВ олган суратлар**







*Қўшма корхоналар иқтисодиётимиз таянчи*

# ХОРИЖЛИК БУЮРТМАЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Мамлакатимизнинг энг йирик корхоналардан бири «Каштекс» 1996 йил 10 декабрда фойдаланишга топширилган. Корхонада Италия, Япония, Швейцария, Туркиянинг машхур фирмалари тамонидан тайёрланган асбоб-ускуналар ўрнатилиб, илк бор пахта хом ашёсини қайта ишлашдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришгача бўлган барча жараёнлар ягона технологик тизимга бирлаштирилди.

Қашқадарёликлар корхона иш бошлаганида унинг истиқболига катта умид билан қараган эдилар. Бироқ дастлабки йиллари сифат ва самарадорлик юксак талабга жавоб бера олмади. Хорижий давлатларда валютага сотилиши лозим бўлган маҳсулотлар сифати рақобатбардошлик даражасига эга эмас эди. Шунинг учун ҳам тайёр маҳсулот мамлакатимиз ички бозорига сотиш учун чиқарилди.

Кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилди. 1996 йилдан буён акциядорлик жамияти раиси етти марта алмаштирилди. Охир-оқибат электрюритгич ва саноат корхоналарини автоматлаштириш бўйича мутахассис Усмон Шарипов раҳбарликка сайланди.Айни чоғда ташкилотчи раҳбар бошчилигида амалга оширишаётган ишлар самара бераяпти. Йил бошидан бери ҳиссадорлик жамияти томонидан 1 миллиард 281 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 134. фоиздан ошиб кетди. Акциядорлик жамиятларида аввал 35 миллион сўмлик, кейинчалик 780 миллион сўмликка яқин акциялар чиқарилган. Қимматли қоғозларнинг асосий қисми қўшган улушига қараб 151 жамоа хўжаликларига тақсимланган.

Раҳбариятнинг саъй-ҳаракатлари туфайли жамоани қолоқликдан чиқариш, ишлаб чиқаришни юксалтириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ тадбирлар белгиланди. Илк марта чет элларга маҳсулот сотишга киришилди.

Қарши тижорат бозорида корхонанинг фирма дўкони ишлаб турибди. Тошкентда «Қаршимаркет» савдо маркази очилган. Ишчи коржомалари, аҳоли учун кўрпа, кўрпачалар, ёстиқ, жилдлари, тиббиёт ходимлари учун оқ халатлар буюртма орқали тикиб берилаяпти. Жамиятнинг Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Урганч, Бухоро, Термиз ва бошқа шаҳарларида буюртмачилари бор. Бўяш ва тикиш цехлари негизида қўшма корхоналар ташкил этиш масаласи ҳал қилинган. Чунончи Австралиядаги энг етакчи фирмалардан бири қўшимча юқори технологик асбоб-ускуналар ўрнатиш ва хорижий мамлакатлар бозорлари маркетинги билан шуғулланиш, тайёр маҳсулотларни сотиш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Тошкентда «Ўзенгилсаноат» уюшмаси томонидан ўтказилган ярмаркаларда корхона маҳсулотларига 2003 йил учун 1 миллиард 893 миллион сўмлик шартнома имзоланди. Келгусида эркак ва аёлларнинг ички кийимлари, болалар футболкалари, махсус кийимлар ва чойшаб каби 30 дан ортиқ турдаги маҳсулотлари ички бозорига чиқарилади.

Бундан ташқари германиялик ҳамкорлар билан шартнома тузилиб, уларга мебел ясашда ишлатиладиган мато тўқиш учун 70 минг долларлик ип-калава жўнатилди. Белорусга шу кунгача 35 минг долларлик ип-калава ва мато жўнатилди. Бундан ташқари 100 фоиз тиббий пахтадан тайёрланган, экологик жиҳатдан тоза, харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қўшма технологик ускуналар ўрнатиш ишлари олиб борилаяпти.

Жорий йил бошида жамиятда асбоб-ускуналар қувватидан фойдаланиш 25-30 фоизни ташкил этган бўлса, йил охирига келиб бу кўрсатгич 85-90 фоизга етди. Келгуси йилнинг биринчи ярмида корхона тўла қувват билан ишлай бошлайди. Ўшанда соатига 150 килограмм ип калава, 450 погонометр ип газлама, 62 килограмм трикотаж матоси ва 380 дона тайёр тикув ҳамда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бироқ, ишчилар моддий манфаатдорлигини ошириш ва рағбатлантириш соҳасида жиддий камчилик бор. Ходимларнинг уй-жой, дам олиш шароитларини яхшилаш, дивидентларни ўз вақтида бериш каби юмушлар шулар жумласидандир.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Давр кишилари*

# «ТЎҚЛИ МЕРГАН»ДА БЕКОРЧИ ЙЎҚ

Қотма, қорачадан келган бу одам ғайрат-шижоатига мана-ман деган шербилак полвонлар ҳам тан беради. Тўғри, у давраларда гуркураб олишмайди. Эл тан олгани унинг меҳнати, қалбида тўлибтошган саховатидир. Дарвоқе, бундан икки йил илгари Мирзаободда тилга тушгулик савоб ишга қўл урди. «Тошкент» ширкатлар уюшмасида жойлашган болалар уйидаги 4 нафар ота-она меҳрига ташна болажонларнинг суннат тўйини ўтказиб берди. Уни эл алқади. Кўпнинг дуоси кўл бўлур деганларидек, Турсунали Қорабоевнинг ишлари шу-шу юришиб кетди...

Бир пайтлари туманда чорвачиликка ихтисослашган хўжалик бўларди. Қарийб 1,5-2 минг қорамол парваришланаётган ана шу комплекс аста-секин нурай бошлади. Аввалги бир гуруҳ тадбиркорлар уни хусусийлаштириб олишди. Кўп уриниб уддасидан чиқишолмагач, ташлаб қочишди. Жамоа чорвасидаги бундай пароканадалик, харобага айланаётгани Турсунали оромини ўғирлади. Ахир, чорва етти хазинанинг бири-ку! Чорва йўқ бўлса қишлоқдан қут-барака кўтарилмайдими? Кўп ўйлади. Оила аъзолари билан маслаҳатлашиб, гапни бир жойга қўйгач таназзулга юз тутган тармоқни тиклашга киришди. Бригадирлигингни қилиб юравермайсанми, баланд дорга осилиб нима қиласан, дегувчилар ҳам топилди. Аммо у йўлидан қайтмади. Қисқаси, қуруқ савлатдан иборат фермани қарз ҳисобига 5 миллион 900 минг сўмга хусусийлаштириб олди.

Турсунали Қорабоев бирданига чўпон таёғи-ю кетмонга ёпишмади. Боболар ўгитига қулоқ осди. Ўрганган олим, ўрганмаган ўзига золим деганларидек, ишни мулк эгаси бўлиш сабоғидан бошлади. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида фаолият кўрсатиб турган хусусий мулкдорлар уюшмаси ўқув марказида 2,5 йил таҳсил олди. Бир ой Францияда бўлиб, фермерлар иш тажрибасини ўрганди. Ақлини чархлади. Шундан сўнггина қўра-қўтонга назар ташлади. Ўзи асос солган бобоси номидаги «Тўқли мерган» хусусий чорвачилик фермасидаги моллар бош сонини 65 тага етказди. Ихтиёридаги 83 гектар экин майдонининг 10 гектарига беда, 15 гектарига ғалла, 10 гектарига пахта экди. 48 гектарида маккажўхори етиштирди.

– Шартномага асосан 7 тонна сут 2,5 тонна гўшт сотдик, – дейди тадбиркор. – Олдинги йили 1 миллион 200 минг сўм соф фойда олгандик. Бу йил бу кўрсаткич янада ошадиган бўлди.

Тармоқни ривожлантириш ҳисобига қишлоқдаги 12 нафар киши иш билан таъминланди. Меҳнатга ҳақ тўлаш ишбай. Энг фаол, сифатли иш бажарувчиларга алоҳида имтиёзлар бор. Ишловчилар учун шарт-шароитлар етарли. Ҳар бир ходим бепул буғдой, сут-гўшт билан таъминланган. Ойлик маошдан нолиш йўқ. Кам таъминланган, иқтисоди ночор оилаларга алоҳида имтиёзлар белгиланган.

Ферма қошида ташкил этилган машина-трактор паркида «Белорус», «Олтой», КПИ, «ДТ-16» маркали бешта трактор доимо шай. Барча юмушлар улар зиммасига юклатилган. Ходимларнинг техникага зарурати бўлган юмушлари бепул бажарилади. Ҳатто қўшни фермер хўжаликларига ҳам ёрдам кўрсатиш имконияти бор.

Чорвадорлар учун синовли шу кунларда ҳам «Тўқли Мерган» хусусий фермасида ҳеч қандай парокандалик сезилмайди. Қиш мавсумига 40 тонна сомон, 40 тонна беда сенажи, 30 тонна силос, 20 тонна ошқовоқ ғамлаб қўйилган. Ҳаво очиқ кунлари жониворлар махсус ажратилган яйловларда боқилмоқда. Турсунали Қорабоев тармоқни ривожлантириш учун «Пахтабанк»нинг Наврўз бўлимидан 5 миллион сўм кредит олиб, ишини янада ривожлантирмоқда.

Дарвоқе, саховатпеша тадбиркор яна бир хайрли ишни амалга оширди. Гулистон ширкатлар уюшмасидаги ташландиқ 16-қурилиш ташкилотининг маъмурий биносини ким ошди савдоси орқали сотиб олди. 6 миллион сўм сарфлаб одамлар ҳавас қиладиган 16 хонали уйга айлантирди. Ҳовлини обод қилди, дов-дарахтлар ўтқазди. Ферма аъзолари учун иш хоналари, ҳатто йиғилиш ўтказиладиган мажлисхоналаргача бунёд этди.

Саховатга тўла қалб соҳиби хайру-эҳсонини, одамларга кўмак кўрсатишни канда қилмайди. Кам таъминланган хонадонлар, ногиронлар, кексаларга ғамхўр. Янги барпо этилган касб-ҳунар коллежини кўчатлар билан таъминлади.

«Тўқли Мерган»да бекорчи одам йўқ. Ҳамма ўз ишининг устасига айланган. Тадбиркорлар айни чоғда сутни қайта ишлаш кичик корхонаси барпо этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Шунингдек, шўрхок ер экин навларини кўпайтириш учун 2 гектар ер тайёрлаб қўйилган. Эҳтиёж учун тераклар экиш ҳам мўлжалланмоқда.

Турсунали Қорабоев изланишдан сира чарчамайди. Мақсади эндигина дунё юзини кўрган хусусий тармоғини ривожлантириш, ҳамқишлоқларини янги иш ўринлари билан таъминлашдан иборат. Зотан, тиниб-тинчимас, саховатпеша тадбиркор бу билан эл-юртга наф келтиришини яхши билади.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Шарҳловчи минбари*

***Шу йилнинг апрел ойидан бери Венесуэлада вазият нотинч. Мамлакатда бир неча марта норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Айниқса, ёзга келиб бу намойишлар жиддий тус олиб, намойишчилар президент Уго Чавесдан истеъфога чиқишни талаб қилдилар. Бу жараён шундан кейин ҳам давом этди. Бироқ президент намойишчилар талабини қатъиян рад этиб келмоқда. Шу йил декабр ойининг ўрталарида намойишлар иш ташлашларга айланиб кетди. Айниқса, мамлакат саноатининг нефт тармоғида аҳвол жиддийлашди. Дунё бозорига энг кўп нефт чиқараётган мамлакатлардан бири ўз истеъмолчилари олдида оғир вазиятга тушиб қолди. Барибир Уго Чавес ўз лавозимидан кетмоқчи эмас. У бу борада қатъий баёнот берди.***

# УГО ЧАВЕС ИСТЕЪФОНИ РАД ЭТМОҚДА

Хўш, нега Венесуэлада бундай вазият юз берди?! Нега намойишчилар президентнинг истеъфога чиқишини талаб қилишмоқда? Уго Чавес 1996 йилги сайловларда ҳокимият тепасига келди. Уни аҳолининг камбағал қатлами, меҳнаткашлар, бир сўз билан айтганда, оддий венесуэлаликлар қўллаб-қувватлади. Чунки у сайловда ғалаба қилса оддий халқнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга, турмуш даражасини кўтаришга ваъда берган эди. Албатта, буни асосан нефтни сотишдан олинадиган даромад ҳисобигагина амалга ошириш мумкин. Шубҳасиз, нефт саноатининг ўз корчолонлари бор. Нефтни кимга қанча миқдорда ва қандай нархда сотиш, даромадни тақсимлаш, солиқ масалаларида ҳукумат ана шу корчолонлар билан маълум даражада ҳисоблашишга мажбур. Умуман, бу мамлакатда нефт нафақат иқтисодни, балки сиёсатни ҳам белгиловчи асосий омилдир. Бу йилги намойишлар ва талаблар аввало ана шу ҳолат билан боғлиқ.

Солиқларнинг ошиши, нефт компаниялари ишига аралашиш, ижтимоий масалалар учун улардан маблағ ундириш натижасида тармоқда рентабеллик камайди. Бу ўз навбатида давлатнинг молиявий аҳволи ёмонлашувига олиб келди. Бундай аҳвол халқнинг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатди. Ана шундай вазиятдан Уго Чавесга қарши бўлган ҳарбийлар ҳамда нефт корчолонлари усталик билан фойдаландилар. Яъни, улар касаба уюшма етакчиларини қўлга олиб, мамлакат пойтахти - Каракасда намойишлар ва норозиликлар уюштиришди. Оқибатда президент тарафдорлари билан унга қарши бўлганлар ўртасида тўқнашувлар юз берди. Жумладан, апрел ойидаги тўқнашувда ўнлаб одамлар қурбон бўлди. Мамлакатда давлат тўнтариши амалга оширилди ва Уго Чавес ҳокимиятдан куч билан четлатилди. Шундан кейин бутун мамлакатни шаҳар меҳнаткашлари ва деҳқонларнинг давлат тўнтаришига қарши норозилик намойишлари қамраб олди. Халқ қонуний президентни қайтаришни талаб қилди. Икки кундан кейин Чавес яна ўз ўрнини эгаллади.

Албатта, президентга мухолифатда бўлган кучлар шундан кейин ҳам тинчишгани йўқ. Улар шу йилнинг июл-август ойларида мамлакатда сиёсий-иқтисодий инқироз вазиятини вужудга келтирдилар. Мухолифатдаги кучлар ўнминглаб одамларнинг иш ташлашларини ташкил қилди, президент саройи олдида митинглар уюштирди. Вазият кескинлашиб, яна қонли тўқнашувларга айланиб кетиш хавфи пайдо бўлди. Президентни мухолифат билан муросага келтириб, вазиятни бироз бўлса-да юмшатиш мақсадида Каракасга АҚШнинг собиқ президенти Жимми Картер ташриф буюрди. Бироқ у мақсадига эриша олмади. Мухолифат етакчиси Карлос Ортега Уго Чавес билан юзма-юз учрашишдан бош тортди. Муроса йўли топилмаган бўлсада иккинчи марта давлат тўнтариши юз бермади. Мамлакатдаги айрим партиялар вакиллари иттифоқ тузиб, йилнинг охирида референдум ўтказиш йўли билан президентга ишончсизлик билдириш ҳақида келишиб олдилар. Бироқ бунинг учун ўз тарафдорларининг 1,8 миллион имзосини тўплашнинг уддасидан чиқолмадилар.

Йилнинг охирига келиб, референдум ўтказилмаган бўлса-да вазият яна кескинлашди. Намойишчиларнинг талаблари ўша-ўша - президентнинг истеъфоси. Бироқ Уго Чавес ён босмоқчи эмас. "Мен бир гуруҳ менеджерлар, бир гуруҳ фитначилар, бир гуруҳ фашистлар, бир гуруҳ тадбиркорлар томонидан босим ўтказилишига чидай олмайман" деди президент ва конституцияда кўзда тутилган чораларни қўллаш билан огоҳлантирди. Яъни, ўз иш жойларини ташлаб норозилик намойишига чиққанлар ишдан бўшатилади. Иш ташлашларни эса касаба уюшмаси ҳамда бизнес етакчилари уюштирганлар. Уларнинг бу жараённи бошқариб ва йўналтириб турган хусусий оммавий ахборот воситалари ҳам бор.

Венесуэлада ҳар куни уч миллион баррел нефт қазиб олинади. Иш ташлашлар туфайли ана шу нефтнинг фақат учдан бир қисмигина жаҳон бозорига етказиб берилмоқда. Бундай аҳволда мамлакат иқтисоди бутунлай ўтириб қолади. Боз устига хомашёни вақтида ололмаган истеъмолчиларга катта миқдорда жарима тўлашга тўғри келади. Венесуэла жаҳон бозорига нефт етказиб беришда дунёда бешинчи ўринда туради ва халқаро нефт ташкилоти - ОПЕКнинг аъзоси ҳисобланади. Шунинг учун Уго Чавес ҳарбий кучларга мамлакатдаги нефт қуювчи танкерларни назорат остига олиш тўғрисида буйруқ берди.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**Сиёсий шарҳловчи.**
**"Туркистон-пресс"**

# Ўзбекистон Касаба Уюшмалари Федерацияси Кенгаши



**Барча юртдошларимизни, касаба уюшма ходимларини қутлуғ қадамлар ила кириб келаётган 2003 йил – Обод маҳалла йили билан самимий муборакбод этади.**



***Жондан азиз Ватанимиз – ҳур Ўзбекистонни гуллаб-яшнатиш йўлидаги ишларингиз ҳамиша бароридан келсин, омад ва муваффақият ёр бўлсин!***



# ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ:

## Эзгу ниятлар ва кўтаринки кайфиятда кутиб олинаётган Янги йил барчангизга омад, бахт-саодат олиб келсин.

### Хонадонингиздан қут-барака, тотувлик аримасин. 2003 йил ҳар томонлама омадли, ҳосиятли йил бўлсин.





# Тошкент вилоят касаба уюшмалари Кенгаши

## Жонажон диёримизнинг барча фуқароларини, ҳамкасбларни Янги 2003 йил билан қизғин ва самимий табриклайди, муборакбод этади.

**Ушбу йил юксалиш, қут-барака йили бўлсин. Оллоҳ назари тушган муборак замин, фидокор халқимиз осуда ҳаёт кечирсин. Барча эзгу ниятлар ижобат бўлсин.**

## ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН, АЗИЗЛАР!

